



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Сирдарё МЙБХ ДУК директори

З.Базаров

2022 йил

М.Ў

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

УМУМИЙ КИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

- 1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов мавзуси **Гулистон туман Тажрибакор МФЙ Донгдор-1 кучасини жорий таъмирлаш объектини савдога қўйиш учун консалтинг марказини танлаб олиш**
- 1.3. Танлов охириги қиймати – **1 010 000 сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4 Талабгор ўз таклифини электрон танлашга жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси объектнинг бошлангич қийматидан **5% дан кўп бўлган тақдирда таклиф буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.**
- 1.5 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.
- 1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

2 Танлов ташкилотчилари

- 2.1 Буюртмачининг номи – **Сирдарё МЙБХ ДУК** (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).
- 2.2 Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").
- 2.4 Танлов камида етти аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

- 3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, **4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.**

4 Танловни ўтказиш тартиби

- 4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:
 - а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
 - б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;
- 4.2 Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:
 - кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;
 - "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.
- 4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:
 - иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миқознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсининг ёки ходимининг ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай тўловга ёки нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш, давлат харидлари қараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш;
 - иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолақиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга.